



ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

PhD, доц. **Жамолов Жўрабек**

Tashkent Perfect University

ORCID: 0009-0005-0122-318X

jamolovjorabek39@gmail.com

доц. **Файзиев Шавкат**

Tashkent Perfect University

ORCID: 0007-0008-0124-311

fshavkat@mail.ru

Аннотация. Мақолада хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Инвестицион лойиҳа самарадорлиги ва қиймати кўрсаткичлари ҳисобланган, илмий жиҳатдан таклифлар баён этилган, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги: ЯИМдаги инвестициялар улуши, асосий капиталдаги инвестицияларнинг улуши, шунингдек, инвестициялар рентабеллиги даражаси каби кўрсаткичларни ўз ичига олган. Бу кўрсаткичлар тўпланган маблағлар қанчалик самарали фойдаланилаётгани ва улар мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини баҳолаш имконини беради.

Калит сўзлар: “очиқ эшиклар” сиёсати, хорижий инвестиция, иқтисодий сиёсат, стратегия, экспорт имконияти, инвестиция фаолияти инвестицион муҳит, инвестицион сиғим, инвестицион лойиҳалар, инвестицион жозибадорлик, инвестицион сиёсат.

АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ И НАПРАВЛЕНИЯ ИХ УЛУЧШЕНИЯ

PhD, доц. **Жамалов Журабек**

Tashkent Perfect University

доц. **Файзиев Шавкат**

Tashkent Perfect University

Аннотация. В статье анализируются показатели экономической эффективности зарубежных инвестиций. Рассчитаны показатели эффективности и стоимости инвестиционного проекта, изложены научные предложения. Эффективность использования инвестиций включает в себя такие показатели, как доля инвестиций в ВВП, доля инвестиций в основной капитал, а также уровень рентабельности инвестиций. Эти показатели позволяют оценить, насколько эффективно используются собранные средства и как они влияют на экономический рост и развитие страны.

Ключевые слова: политика «открытых дверей», иностранные инвестиции, экономическая политика, стратегия, экспортные возможности, инвестиционная активность, инвестиционная среда, инвестиционная емкость, инвестиционные проекты, инвестиционная привлекательность, инвестиционная политика.

ANALYSIS OF INDICATORS OF ECONOMIC EFFICIENCY OF FOREIGN INVESTMENTS AND DIRECTIONS FOR THEIR IMPROVEMENT

PhD, assoc. prof. **Jamolov Jurabek**
Tashkent Perfect University
assoc. prof. **Fayziyev Shavkat**
Tashkent Perfect University

Abstract. The article analyzes the indicators of economic efficiency of foreign investments. Indicators of efficiency and cost of the investment project are calculated, scientific proposals are presented. The efficiency of investment use includes such indicators as the share of investment in GDP, the share of investment in fixed assets, as well as the level of return on investment. These indicators allow you to assess how effectively the collected funds are used and how they affect the economic growth and development of the country.

Keywords: open door policy, foreign investment, economic policy, strategy, export opportunities, investment activity, investment environment, investment capacity, investment projects, investment attractiveness, investment policy.

Кириш.

Миллий иқтисодиётга инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни, жалб этиш ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш жараёнлари бир қатор кўрсаткичлар тизимини қўлланилишини талаб этади. Инвестицияни жалб этиш жараёнидаги бирламчи омил сифатида инвестицион лойиҳанинг жозибadorли ҳисобланади. Ҳар бир инвестор бозор тамойилларига асосланар экан, у учун жозибadorлик бевосита инвестициялар самарадорлиги билан ўлчанади. Лойиҳаларнинг самарадорлиги ва инвестицион жозибadorлигини баҳолаш узоқ вақтдан бери ҳукумат даражасида эътибор марказида турган мавзу бўлиб келмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Миллий иқтисодиётга инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни, жалб этиш ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш жараёнларини ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар қаторида хориж олимлари билан бир қаторда Ғарб олимларидан Макконнелл (1993) фикрича, инвестиция ишлаб чиқариш ва жамғариш воситалари асбоб-ускуналар, машина, завод-фабрика, транспорт воситалари, товар ва хизматларни истеъмолчига етказиб бериш тизими жараёнидир. Кэмбелл (1993) инвестицияларнинг туб моҳиятини ёритиб берган, инвестициялар – бу ишлаб чиқариш ва ишлаб-чиқариш воситаларини тўплаш ҳамда моддий заҳираларни кўпайтириш ҳаражатларидир деб берилган таъриф амалий назарий жиҳатдан ифодалаб беради.

Розенберг (2007) ўзининг «Инвестициялар» луғатида инвестицияларга таъриф берар экан, инвестиция – кўпайтириш, даромад олиш ёки капитал ўстириш мақсадида пул сарфланишидир, деган фикрни юритади. Миллий иқтисодиётдаги инвестицияларнинг ролига баҳо бериб, россиялик иқтисодчи олим Михайлова (2007) «инвестициялар келажакда даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда қўйиш сифатида ифодаланади» деган фикрни илгари сурди. Ўзбекистонда мазкур соҳада олиб борилган тадқиқотлар таҳлили кўрсатишича, миллий иқтисодиётга хорижий инвестициялар оқими таъсир қилувчи омиллар кенг доираси ўрганилган ҳолда, келгуси давр прогнозларини ишлаб чиқишда асосан иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, ЯИМ ва унинг ўсиши динамикаси, инвестиция фаоллиги, ишлаб чиқариш салоҳияти, савдо баланси, табиий ресурс салоҳияти, истеъмол

салоҳияти, меҳнат салоҳияти, инфратузилма салоҳияти кабилар киритилган ҳолда институционал жиҳатлар омил сифатида эътибордан четда қолдирилган. Жумладан, Валиев (2021) Ўзбекистонда ҳудудлар иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда инвестиция салоҳиятини ошириш механизмларини таҳлил этишга доир тадқиқотида “ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларига асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари таъсири панел маълумотлар базасига асосланган регрессия функциялари орқали баҳолаган.

Аманова (2023) инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг бозор механизмларини такомиллаштириш доирасида олиб борган тадқиқотида ЯИМнинг ўсиш суръати, хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръати, иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат тармоқларининг ўсиш суръати, инфляция даражаси, Рузметов кичик бизнес субъектларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб қилишни эконометрик моделлаштириш доирасидаги тадқиқот ишида олий таълим муассасалари битирувчилари сони, кичик бизнес субъектлари сони, кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, меҳнат ресурслари сони (Аманова, 2023).

Кадинова миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларнинг ролини ошириш масалалари (эркин иқтисодий зоналар мисолида)га қаратилган тадқиқотда ЯИМ дефлятори, инфляция даражаси, нарх индекси, кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш ҳажми ва мамлакат савдо баланси (Аманова, 2023). кўрсаткичларидан мамлакатга киритилаши мумкин бўлган хорижий инвестицияларнинг ҳажмини прогноз қилишга қаратилган эконометрик моделларни ишлаб чиқишда омил сифатида фойдаланган. Юқорида қайд этилган тадқиқотлардан фарқли равишда фақат институционал кўрсаткичларга таянган ҳолда инвестициялаш жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишда унга таъсир кўрсатувчи омилларга бағишланган тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилган. Жумладан, Абдурахимова (2022) Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишни такомиллаштириш доирасидаги тадқиқот ишида натижавий кўрсаткич инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишга солиқ-бюджет, валюта, нархни шакллантириш, талаб ва таклиф, иш билан бандлик сиёсатлари таъсири таҳлил этилган.

Тадқиқот методологияси.


Хорижий инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили ва уларни такомиллаштириш йўналишлари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, статистик маълумотларни ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тадқиқот ишимиз давомида қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз: Лойиҳанинг инвестицион жозибадорлигини қандай баҳолаш мумкин? Лойиҳанинг пул оқимларини қандай ҳисоблаш мумкин? Лойиҳанинг самарадорлигини баҳолашнинг қандай усуллари мавжуд? Лойиҳани ривожланишнинг дастлабки босқичларида қандай баҳолаш мумкин? Инновацион лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш венчур инвесторни (венчур фонди) муваффақиятли жалб қилиш учун зарур бўлиб, у ўз навбатида, лойиҳанинг кутилган бозор қийматига эришишидан манфаатдор. Аслини олганда, лойиҳанинг самарадорлиги унинг бозор қийматини белгилайди ва шунга мос равишда оқилона, максимал даражага кўтарилиши керак. Шу билан бирга, қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:


лойиҳа ташаббускори ўз ғояси ҳақидаги ижобий фикрини тасдиқлаш учун кўпроқ ҳисоб-китобларни амалга оширади;

венчур инвесторни лойиҳа ҳақидаги барча маълумотлар, айниқса кутилаётган хавф ва салбий таҳдидлар қизиқтиради. 1-расмдан кўриш мумкинки, бир нечта муқобил фикрларнинг тўқнашуви натижасида инновацион лойиҳани баҳолаш сифатига қўйиладиган талаблар кескин ошади. Самарадорлик инновацион лойиҳанинг бутун муддати учун ҳисоблаб чиқилади, бу ҳисоб-китоб даври деб аталади. Лойиҳаларни баҳолашда лойиҳанинг умуман самарадорлиги, лойиҳада иштирок этиш самарадорлиги каби самарадорлик турлари қўлланилади ва лойиҳанинг нархи ҳам баҳоланади. Умуман олганда, лойиҳанинг самарадорлиги унинг эҳтимолий иштирокчилари учун лойиҳанинг потенциал жозибadorлигини баҳолаш, шунингдек, инвесторларни топиш мақсадида аниқланади (1-расм).



1-расм. Инвестицион лойиҳа иштирокчилари мақсадлари (Жамолов, 2024).

Лойиҳада иштирок этиш самарадорлиги унинг индивидуал иштирокчилари нуқтаи-назаридан ва уларнинг манфаатларини инobatга олган ҳолда лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш учун белгиланади. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш лозимки, ривожланишнинг дастлабки босқичларида компания (лойиҳа) молиявий кўрсаткичларга эга бўлмаслиги ёки салбий молиявий кўрсаткичларга эга бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолда унинг самарадорлиги унинг молиявий бўлмаган кўрсаткичларини таҳлил этиш ва унинг қийматини прогноз қилиниш асосида баҳоланади. Танланган инвестицион лойиҳанинг жозибadorлигини баҳолаш муҳим жараён ҳисобланиб, унда техник-иқтисодий асоснома, бизнес-режа ва бошқа бир қатор ҳужжатларнинг ҳал этувчи аҳамият касб этади.



2-расм. Инвестицияларни жалб этиш босқичлари (Жамолов, 2024).

Амалда инвестицияларни жалб этиш жараёни қуйидаги босқичларга бўлинади:

1. Лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини белгилаш: Биринчи босқичда лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш зарур, улар реал ва эришиш мумкин бўлиши керак. Бу инвестиция ҳажмини, лойиҳани амалга ошириш вақтини, кутилаётган фойда ва рискларни аниқлашни ўз ичига олади.

2. Бизнес-режани ишлаб чиқиш: Мақсад ва вазифаларни белгилаб бўлгач, инвестицияларни жалб қилишда асосий ҳужжат бўлиб хизмат қиладиган батафсил бизнес-режа ишлаб чиқиш керак. Бизнес-режа сиз таклиф қиладиган маҳсулот ёки хизмат, бозор таҳлили, маркетинг стратегияси, операцион ва молиявий режалар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

3. Потенциал инвесторларни кидириш: Ушбу босқичда сиз лойиҳангизга қизиқиш билдириши мумкин бўлган потенциал инвесторларни аниқлашингиз керак. Булар хусусий инвесторлар, венчур фондлари, банклар, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари ва бошқалар бўлиши мумкин.

4. Лойиҳа тақдимотини тайёрлаш: Сиз потенциал инвесторларга тақдим этиладиган лойиҳа тақдимотини тайёрлашингиз керак. Тақдимот аниқ, тушунарли ва лойиҳангиздаги инвесторларни қизиқтириши учун жозибадор бўлиши керак.


5. Инвесторлар билан музокаралар: Потенциал инвесторларни топиб, тақдимот тайёрлаганингиздан сўнг улар билан музокаралар олиб бориши лозим. Музокаралар давомида сиз инвесторларни лойиҳангиз потенциалга эга эканлигига ва улар томонидан киритиладиган инвестициялардан юқори даромад олишига ишонтиришингиз керак.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, инвестицион лойиҳа самарадорлиги ва қийматини баҳолаш ёндашувлари нафақат келажакдаги пул оқимларини, балки молиявий бўлмаган кўрсаткичларни ҳам ҳисобга олиши лозимлигини кўрсатмоқда. Жумладан, янги маҳсулотларни яратишда маркетингни қўллаб-қувватлаш, ходимларнинг сифати кўрсаткичлари ва уларни рағбатлантириш тизими фаолияти, умумий стратегия, янги маҳсулот муваффақиятини тасдиқловчи далилларнинг мавжудлиги (мижозларнинг такрорий харидлари), маркетинг афзалликлари (потенциал бозорнинг ўсиш динамикаси, лойиҳанинг технологик афзалликлари ва бошқалар) шулар жумласидандир. Иқтисодий самарадорлик мезони сифатида инновацион корхонанинг соф фойдаси ёки унинг потенциал капиталлашуви (лойиҳанинг прогноз қиймати) ҳисобланиши мумкин. Бироқ, инновацион тадбиркорликда компания кўпинча ҳозирги фойда даражаси билан эмас, балки келажакдаги салоҳияти билан баҳоланади ва бу компаниянинг прогноз пул оқимида акс этиши мумкин.

Мазкур қарашдан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, инвестицион лойиҳанинг қиймати унинг потенциал кўрсаткичларига таянган ҳолда баҳоланиши мумкин. Янги инвестицион лойиҳаларнинг ўзига хос хусусияти тадқиқот босқичларининг муҳим давомийлиги билан белгиланадиган самарани олишнинг муҳим давридир. Кўпинча,

лойиҳанинг бошида фақат унинг ғояси аниқ бўлади. Бу, айниқса, шаклланишнинг дастлабки босқичидаги инновацион стартаплар учун хосдир.

Тадқиқотимиз давомида EBITDA margin, ROI, NPV, IRR, PI, ROA, NFT, ROE, P/E кўрсаткичлари таҳлилига алоҳида тўхталиб ўтади.



3-расм. Инвестицион лойиҳа самарадорлиги ва қиймати кўрсаткичлари (Жамолов, 2024).

EBITDA margin кўрсаткичи корхонанинг фоизлар, солиқлар ва амортизация ажратмалари айрилмаган ҳолдаги фойдасини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич бир нечта корхонларни самарадорлигини солиштириш мақсадида фойдаланилиб, инвестор томонидан инвестицион лойиҳа бўйича қарор қабул қилиш жараёнида фаол қўлланилади.

ROI кўрсаткичи инвестицияларни қайтимини ифода этади ва у қуйидагича аниқланади:

$$ROI = (\text{даромад} - \text{харажат}) / \text{харажат} * 100 \% \quad (3.7)$$

Шу билан бирга корхоналар томонидан ROI кўрсаткичи билан бирга ROMI - маркетинг инвестицияларини қайтими ва ROAS - рекламага инвестицияларнинг қайтими кўрсаткичлари ҳам кенг қўлланилади.

NPV - инвестиция лойиҳаларининг соф жорий қиймати кўрсаткичи бўлиб у қуйидаги ҳисобланади:

$$NPV = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+r)^t} - \sum_{t=0}^n \frac{I_t}{(1+r)^t} \quad (1.1)$$

Бу ерда CF - пул оқими, r - чегирма ставка, n - инвестиция босқичлари (давлари) сони.


Кўпчилик иқтисодий адабиётларда NPV (инвестиция лойиҳаларининг соф жорий қиймати) кўрсаткичи инвестицион лойиҳалар бўйича қарорлар қабул қилиш ва корпоратив фаолият натижаларини баҳолашда асосий индикатор сифатида баҳоланади.

Шунингдек, “лойиҳавий молиялаштиришни жалб этиш доирасида инвесторни излаш борасида таъкидлаш лозимки, одатда инвестицион лойиҳаларнинг ташаббускорлари лойиҳага кредит ресурсларни жалб этиш учун етарли даражадаги хусусий маблағга эга бўлмайдилар. Шу билан бирга ташаббускорнинг ҳиссаси лойиҳа қийматининг 30 фоизга яқинини ташкил этади, шунга кўра кўпчилик лойиҳанинг қийматини пасайтириш ёки уни кўрсаткичларга ажратиш йўлидан боришга ҳаракат қилади. Ушбу ҳолатда муқобил ечим - янги инвесторни излаш ва инвестицияларни жалб этишдир. Бунинг учун биринчи босқичда потенциал инвесторларни қидириш ҳамда навбатдаги молиялаштиришни жалб этиш амалга оширилади. Бундай жараённинг мантиқий якуни - ташаббускорнинг улушини стратегик инвесторга сотиш ёки бизнесга эгалик қилишни жамлаш учун ташаббускор томонидан ҳамкор инвесторнинг акциясини қайтадан сотиб олиш ҳисобланади” (finintech.ru, n.d.).

Замонавий шароитларда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланишнинг кўрсаткичлари таҳлили мамлакатнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш ва жалб қилинган маблағлардан фойдаланишни яхшилаш йўналишларини аниқлаш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонга хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми: мамлакатга киритилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмини акс эттиради. Бу кўрсаткич хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги иштироки кўламини баҳолаш имконини беради.




4-расм. Ўзбекистонга жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

4-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, тадқиқ этилаётган даврда Ўзбекистонга жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитларни мутлоқ ҳажми ўсиши билан бирга жами инвестициялардаги улушида сезиларли даражада ўсиш кузатилмоқда. Жумладан, 2019-2022 йиллар мобайнида хорижий инвестициялар ва

кредитларнинг жами инвестициялардаги улушида 43 фоиз атрофида бўлиши хорижий инвесторларни Ўзбекистон иқтисодиётига қизиқиши ортиб бораётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга мазкур кўрсаткичнинг ўсишига Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ҳам ортиб бораётганлиги маълум жиҳатдан таъсир қилмоқда.

2. Тармоқлар бўйича инвестициялар таркиби: қайси тармоқларда хорижий инвестициялар энг кўп жамланганлигини кўрсатади. Бу ривожланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва қайси тармоқлар инвестициялар жалб қилиш учун қўшимча рағбатлантириш зарурлигини аниқлаш имконини беради.



5-расм. 2022 йил якунлари бўйича Ўзбекистонга жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркиби, фоизда.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

5-расм маълумотлар кўрсатишича, Ўзбекистонга жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибида номутаносибликлар катта бўлиб, бу асосан йирик инвестицион лойҳаларнинг амалга оширилиши ҳисобига йиллар кесида ҳам фарқланади.

3. Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги: ЯИМдаги инвестициялар улуши, асосий капиталдаги инвестицияларнинг улуши, шунингдек, инвестициялар рентабеллиги даражаси каби кўрсаткичларни ўз ичига олади. Бу кўрсаткичлар тўпланган маблағлар қанчалик самарали фойдаланилаётгани ва улар мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини баҳолаш имконини беради.

4. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётга таъсири: экспорт ўсиши, импорт ҳажми, инфляция даражаси ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар каби кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Бундай кўрсаткичлар хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодий фаолиятининг турли жабҳаларига қандай таъсир қилишини аниқлаш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар.

Мамлакатимиз охириги беш йилда янада ривожланиш йўлига ўтди. Бу ривожланиш йўли қўшни республикалар аро тотувлик, эркин либерал ҳамда очиқ иқтисодиёт ва диний эркинлик каби таҳсинга сазовор ислохотларни ўзига мақсад қилиб олмоқда. Охириги йилларда ислохотларни жадаллаштириш борасида қўплаб қонун ҳужжатлари, янги ташкилотлар ва ижро органлари фаолиятини самарали ташкил этиш борасида амалий ишлар олиб борилди. Миллий иқтисодиётга хорижий, жумладан тўғридан-тўғри, инвестициялар жалб этиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш жуда серқирра ва мураккаб жараён бўлиб, унинг натижасининг аниқлик даражасини ошириш учун бу борадаги бажарилиши лозим бўлган таомилларнинг мантиқий кетма-кетлиги, яъни алгоритмининг кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда тўғридан-тўғри, инвестициялар жалб этиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Чунки жалб этилган инвестициялар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини ошириш баробарида жаҳон бозорида ўз ўрнимизни эгаллашимиз учун асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар/Литература/References:

finintech.ru (n.d.) Привлечение инвестиций //Финансовые инвестиционные технологии. www.finintech.ru/home/86-attraction-of-investments.

Абдурахимова С.А. (2022) Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори DSc диссертацияси автореферати. Т. 16-19 б.

Аманова Н.У. (2023) Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD диссертацияси автореферати. Т. 19-21 б.

Валиев Б.Б. (2021) Ўзбекистонда ҳудудлар иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда инвестиция салоҳиятини ошириш механизми. Иқтисодиёт фанлари доктори DSc диссертацияси автореферати. Т. 25-27 б.

Жамолов Ж.Ж. (2024) Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш йўналишларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD диссертацияси. Т. 108-117 б.

Кэмбелл Р., Макконнелл К. Р., Брю., С. Л. (1993) Экономика: принципы, проблемы и полетика. В 2-х топ Таллин,с.399-40.

Михайлова Е.В.(2007) Финансовые рынкии их формирование. Под. Ред. Л. Н. Красавиной.-М. с-357.

Розенберг Д.М. (2007) Инвестиции.-м.:Инфра, с-173.